



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА БЛОГЕРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АХАМИЯТИ

**Эламонов Султонбек Мансурович**  
ИИВ Академияси 3-ўқув курси курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигининг тушунчасини, ҳамкорликнинг турларини, бугунги кундаги ҳолати ва профилактика инспекторларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш фаолиятининг ўзига ҳос хусусиятларини қамраб олади. Бундан ташқари, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш фаолиятида оммавий ахборот воситаларининг ўрни, уларни такомиллаштириш чора тадбирлари ўзаро ва бошқа субъектлар билан ҳамкорлигини тартибга солувчи нормалар, қолаверса фаолиятга доир муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** ОАВ, оммавий ахборот воситалари, телевидение-радио, ахборот, жамоатчилик, "тўртинчи ҳокимият".

Ҳаётимизда дуч келинадиган муаммолар ва мураккаб масалалар, газеталар ва телевидение-радио таҳририятларига юборилган мурожаатлар ўз ечимини топади. Бу ҳолат бежиз эмас, чунки Ўзбекистонда босқичма-босқич модернизациялаш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг роли оширилаётир, аҳолини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида ишончли ахборотлар билан таъминлашга кенг жалб этиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратилмоқда. Маълумки, мамлакатимизда ОАВ фуқаролик жамияти институтлари тизимида алоҳида ўринга эга бўлиб, давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб борилаётган демократик янгиланишлар ва ислохотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда **1400** дан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қарийб **60%**и нодавлат ОАВни ташкил этади. Интернет тармоғида ОАВ сифатида рўйхатдан ўтиб фаолият юритаётган веб-сайтлар сўнгги беш йилда **2** баробар ошиб, ўтган йил якунида **324** тани ташкил этди. Бундан ташқари аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот манбалари бўлган ахборот хизматлари ва расмий веб-сайтларидан кенг фойдаланиши имконияти яратилган. Бу ўз навбатида давлат идоралари фаолиятидан тўлиқ ва холис хабардор бўлиш билан



бирга, давлат бошқаруви самарасининг даражасини белгилашга имкон бермоқда.

2019 йил 27 июлда давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу масала яна эътибор марказида бўлди. Жойларда жиноятчиликнинг туб илдизига ҳали тўлиқ етиб борилмаётгани, жиноятларнинг асл сабаблари ўрганилмаётгани кескин танқид қилинди.

Ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлаштириш орқали фаолият самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида таянч пунктларининг янгиланган жойлашуви тасдиқланган. Унга асосан қўшимча 175 ички ишлар бўлинмаси ва 824 таянч пункти ташкил этилган. Профилактика инспекторлари сони 1 минг 102 нафарга кўпайтирилган.

Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни», ҳар чоршанба куни эса «Ёнғин профилактикаси куни» ўтказиб келинмоқда. Маҳаллаларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан бундай кенг қамровли тадбирларнинг уюшқоқлик билан ўтказилиши, ҳеч шубҳасиз, жиноятга нисбатан муросасизлик муҳитини яратмоқда.

Оммавий ахборот воситалари – жамоатчилик онгини шакллантирувчи, демократик ривожланишнинг асосий принципларини, маданий ва ахборот бериш вазифаларини амалга оширувчи тизим жамиятнинг ахборот билан тامينланиши ортиб бориши туфайли, оммавий ахборот воситалари мустақил кучга яни “тўртинчи ҳокимият” га айланди. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ги қонуннинг 4- моддасида – оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газета, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар) ва электрон тарзда, (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) 6 ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари Оммавий ахборот воситаларидир деб белгилаб берилган. Ўзбекистон республикаси Конституциясининг 67- моддасида ҳам, “асосан, Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Сензурага йўл қўйилмайди”, деб мустахкамлаб қўйилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2018 йил 18 январь

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 191-сон буйруғи



3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

